

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ  
ЭЛЕМЕНТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ  
ELEMENTS OF FINANCIAL REPORTING

Чилматова Дилноза Абдурахимовна  
ФарДУ, катта ўқитувчи  
[chilmatova72@gmail.com](mailto:chilmatova72@gmail.com)

**Аннотация:** Мазкур мақолада молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот элементлари нималардан ташкил топғанлиги ва уларнинг моҳияти түғрисида фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ҳалқаро стандартлар, молиявий ҳисобот, ҳисобот элементлари, ҳисобот даври, ҳисобот даври фойдаси, ҳисобот даври зарари, тақсимланмаган фойда, даромадлар, харажатлар

**Аннотация:** в данной статье на основе международных стандартов финансовой отчетности составлены элементы финансовой отчетности и представлена сущность.

**Ключевые слова:** международные стандарты, финансовая отчетность, элементы отчетности, отчетный период, прибыль отчетного периода, убыток отчетного периода, нераспределенная прибыль, доход, расходы.

**Abstract:** In this article, based on the international standards of financial reporting, the elements of financial reporting are made up and their essence is presented.

**Key words:** international standards, financial reporting, reporting elements, reporting period, reporting period profit, reporting period loss, retained earnings, income, expenses

Бугунги кунда компанияларда молиявий ҳисоботларини Молиявий Ҳисоботнинг Ҳалқаро Стандартлари (МХХС) асосида тузишга объектив заруратлар мавжуд. Конунда кўзда тутилган тартибда МХХСларини қўллаш тартиби жорий этилди. Дунё бозорига чиқиши, ҳалқаро кредит олиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун молиявий ҳисоботни МХХСлари бўйича тузиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузажетган компаниялар сони ошиб бормоқда. Чунки, молиявий ҳисоботнинг шаффоғлигини оширишга эришиш фақат МХХСларга ўтиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлади. Шу боис, ҳалқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган хужжатлар ҳамда илғор инструментлар ва тажрибалардан фойдаланиш кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланади

Молиявий ҳисобот операциялар ва бошқа ҳодисалар натижаларини, уларни кенг доирадаги умумий белгилари ва иқтисодий тавсифлариға кўра тоифаларга бирлаштирган ҳолда акс эттиради.

Ушбу кенг доирадаги тоифалар молиявий ҳисоботнинг элементлари деб аталади. Мувозанатдаги молиявий аҳволни ўлчаш билан бевосита боғлиқ элементлар - бу активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталдир.

Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботовда фаолият натижаларини ўлчаш билан боғлиқ бўлган элементлари даромадлар, харажатлар, фойда ва заарлардир. Ушбу элементларни мувозанат ва фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботовларда тақдим этиш маълум кичик тоифаларни яратишни талаб этади. Бу иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун фойдаланувчиларга маълумотларни фойдали бўлган ҳолда тақдим этиш учун имкон яратади.

Молиявий аҳволни ўлчаш билан боғлиқ элементларга активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал киради.

Активлар - аввалги даврларда содир этилган ҳодисалар натижасида олинган ва корхона томонидан назорат қилинадиган, уларни фойдаланишдан келажакда иқтисодий наф олиниши кутиладиган ресурслардир.

Мажбуриятлар - бу аввалги даврларда содир этилган ҳодисалар натижасида пайдо бўлган корхонанинг жорий қарзи, ушбу қарзлар қайтарилиши натижасида корхонанинг иқтисодий нафни ўз ичига олган ресурсларни камайишига олиб келади.

Хусусий капитал - бу барча мажбуриятларни айргандан кейин корхонанинг активлардаги бўлган улуши.

Фойда - бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар шароитлар натижасида капиталнинг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган капитал бундан мустаснодир.

Заарлар – бу асосий фаолият ва барча хўжалик муомалалари, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир. Фойда фаолият натижаларини ўлчашда ёки бошқа кўрсаткичларни, яъни инвестицияни олиб келган фойдаси, бир акцияга тўғри келадиган фойда кабиларни асоси сифатида фойдаланади.

Фойдани ўлчаш билан бевосита боғлиқ элементлар - бу даромадлар ва харажатлардир.

Даромадлар - бу активларни келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларни камайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижасида хусусий капитални оширадиган иқтисодий нафларни кўпайиши, аммо акциядор капиталга таъсисчилар томонидан тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.

Харажатлар - бу активларни сарфланиши ёки емирилиши ёхуд мажбуриятларни күпайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижасида хусусий капитални камайтирадиган иқтисодий нафларни камайиши, аммо акциядор капитални таъсисчилар орасида тақсимланиши бундан мустаснодир.

Молиявий ҳисобот элементларини тан олиш - бу қуйида келтирилган элементларни тан олиш мезонига жавоб берадиган моддалардан бирини мувозанат ёки фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритишидир.

Тан олиш – моддани сўз билан ифодалаш ва унинг пул қийматида акс эттириш, шунингдек ушбу суммани мувозанат ва фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришидир. Тан олиш мезонига жавоб берувчи моддалар мувозанат ва фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олиниши зарур. Тан олинмаган моддалар ҳисоб сиёсатининг ёритилиши, иловалар ва тушунтириш материалларида акс эттирилмайди.

Элемент таърифига мос бўлган модда куйидаги мезонларга риоя қилинганда тан олиниши керак:

(а) модда билан боғланган ҳар қандай қутилаётган наф корхона томонидан олиниши ёки йўқотилиши эҳтимоли мавжуд бўлиши керак,

(б) модда пул қийматида ўлчаш учун мақбул асосга эга бўлиши ва корхона учун аҳамиятли бўлиши керак.

Баҳолаш – бу молиявий ҳисоботда акс эттириладиган элементларни пул суммаларини аниқлаш, тан олиш ва мувозанат ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёнидир. Бунинг учун баҳолашнинг муайян усулини танлаб олиш зарур. Молиявий ҳисоботда бир қатор турлича усуллардан фойдаланилади. Бу усулларга қуидагиларни киритиш мумкин:

Тарихий қиймат. Активлар, уларни сотиб олиш вақтида тўланган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, ёхуд уларга таклиф этилган ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинади. Мажбуриятлар қарз мажбуриятнинг алмаштириш эвазига олинган тушум суммасида ҳисобга олинади, баъзи ҳолларда эса (масалан, фойда солиғи), ишларни одатий шароитини ҳисобга олган ҳолда, ушбу мажбуриятларни қайтариш учун керакли бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасида акс эттирилиши мумкин.

Тиклаш қиймати. Активлар, уларни сотиб олиш вақтида ҳозирги пайтда худди шунга ўхшаш актив сотиб олингандаги тўланиши керак бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар, ҳозирги пайтда шу мажбуриятнинг қайтариши учун талаб этиладиган, пул маблағлари ва уларни эквивалентларини дисконтланмаган суммасида акс эттирилади. Сотиш (қоплаш) қиймати. Активлар, уларни одатий шароитда сотиб олишда тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар, агар ҳозирги пайтда

уларни қайтариши талаб этилса, тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ва уларни эквивалентларини дисконтланмаган суммасида акс эттирилади.

Дисконтланган қиймат. Активлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин қилган тақдирда, ушбу актив томонидан яратилиши мумкин бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф келиб тушишини дисконтланган суммаларида акс эттирилади. Мажбуриятлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин қилган тақдирда ушбу мажбуриятларни қайтариш учун зарур бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф камайишининг дисконтланган суммаларида акс эттирилади.

Молиявий ҳисботнинг тайёрлашда баҳолаш асоси сифатида корхоналар томонидан қабул қилинган энг кўп фойдаланиладиган баҳо – бу тарихий қиймат ҳисобланади. Одатда, у бошқа баҳолаш асослари билан биргаликда ишлатилади. Масалан, заҳиралар, одатда таннарх ёки соф сотиш баҳосидан энг паст баҳода ҳисобга олинади, бозорда айланиладиган қимматли қофозлар уларнинг бозор нархида, нафақа мажбуриятлари эса уларнинг дисконтланган қиймати бўйича ҳисобга олинади.

## REFERENCES

1. Abdurahimovna, C. D., & Sultanbekovna, M. M. (2022). Cost and Accounting Concepts in Accounting and Their Accounting. *Global Scientific Review*, 4, 21-26.
2. Чилматова, Д. А., & Орипов, А. А. (2020). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИ ТАННАРХГА ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ. In МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ (pp. 582-586).
3. Chilmatova, D. A. (2019). Minimum standards of remuneration for labor and its reflection in accounting in Uzbekistan. *Образование и наука в России и за рубежом*, (16), 161-165.
4. Chilmatova, D. A. (2020). ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ. In МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ (pp. 315-319).
5. Чилматова, Д. А. (2022). МОЛИЯВИЙ ҲИСБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ. *Scientific progress*, 3(2), 552-558.
6. Чилматова, Д. А. (2020). Интеграционный процесс между странами Центральной Азии. *Образование и наука в России и за рубежом*, (3), 67-68.
7. Чилматова, Д. А., & Холикбердиева, Д. Ё. (2021). ПРИРОРИТЕТНАЯ ЗАДАЧА: ПЕРЕХОД НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ (МСФО). *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-7), 175-177.

8. Чилматова, Д. А. (2020). РАЗВИТИЕ СЕРВИСНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ И ВОПРОСЫ ВВЕДЕНИЯ В МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ УЧЕТА. In *МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ* (pp. 271-278).
9. Chilmatova, D. A. (2022). ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITIES IN THE ECONOMY OF THE REGION. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 74-80.
10. Chilmatova, D. A. (2022). Transition to International Financial Reporting Standards. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(11), 39-43.
11. Чилматова, Д. А. (2022). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ. *Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар*, 6(6), 97-102.
12. Чилматова, Д. А. (2022). Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш борасида олиб борилаётган изчил тадбирлар. *Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар*, 1(2), 105-109.
13. Чилматова, Д. А. (2021). Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам меъёрлари. *Халқаро онлайн илмий-амалий анжуман*, 1(5), 169-171.
14. Чилматова, Д. А. (2022). Асосий ва қўшимча таътилларни бухгалтерияда ҳисобга олиш тартиби. *Халқаро онлайн илмий-амалий анжуман*, 1(5), 163-168.
15. Чилматова, Д. А., & Холикбердиева, Д. Ё. (2021). ПРИОРИТЕТНАЯ ЗАДАЧА: ПЕРЕХОД НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ (МСФО). *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-7), 175-177.
16. Jumakulov, Z., & Kunduzova, Q. I. (2021). Financial Independence in the Higher Education System of the Republic of Uzbekistan: Results and Conclusions. *Middle European Scientific Bulletin*, 19, 236-241.
17. Жумақулов, З. И., & Кундузова, Қ. И. (2020). Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш. In *Минтақа Иқтисодиётини Инвестициялашнинг Молиявий-Хуқуқий Ва Инновацион Жиҳатлари* (pp. 604-608).
18. Рахимов, Д. (2015). Инвестицион хамкорлик корхона тараққиётининг омили сифатида. *Scienceweb academic papers collection*.
19. Jumakulov, Z., & Madaminov, A. (2022). Economic Factors of Introduction of the "University 3.0" Concept in Uzbekistan. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 12, 143-146.
20. Jumakulov, Z. I. (2022). IMPLEMENTATION OF PUBLIC PRIVATE PARTNERSHIP RELATIONS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 104-108.
21. Raximov, D. (2021, December). DETERMINED CRITERIA FOR DIVERSIFICATION IN INDUSTRIAL ENTERPRISES. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 60-64).

22. Jumakulov, Z. I. (2022). Foreign Experiences of Organizing Financial Independence of Higher Education Institutions. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(11), 62-65.
23. Jumakulov, Z. I., & Madaminov, A. M. (2022). ISSUES OF IMPLEMENTATION OF THE UNIVERSITY 3.0 CONCEPT IN UZBEKISTAN. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 81-83.
24. Jumakulov, Z. I. (2022). Development of the Cluster System in Agriculture in Uzbekistan. *INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS DIPLOMACY AND ECONOMY*, 1(5), 226-229.
25. Jumakulov, Z. I. (2022). ISSUES OF FOOD SECURITY IN UZBEKISTAN. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 246-249.
26. Рахимов, Д. (2015). Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш денденциялари. *Scienceweb academic papers collection*.
27. Жумақулов, З. И., & Кундузова, Қ. И. (2020). Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш. In *Минтақа Иқтисодиётини Инвестициялашнинг Молиявий-Хуқуқий Ва Инновацион Жиҳатлари* (pp. 604-608).
28. Рахимов, Д. (2022). Саноатни диверсификациялаш иқтисодиётнинг муҳум омили. *Scienceweb academic papers collection*.
29. Mannapova, M., & Abdullayeva, S. (2022). THE WORK DONE AND THE DESIGNATED TASKS FOR THE DEVELOPMENT OF FRUIT AND VEGETABLE CLUSTERS IN UZBEKISTAN. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 1126-1129.
30. Абдуллаева, Ш. Э., & Маннопова, М. С. (2022). Основные направления развития и управления плодовоощными кластерами. *Ta'lim fidoyilari*, 6(7), 507-512.
31. Mannopova, M. S. (2022). Main Directions of Development of Fruit and Vegetable Clusters in Agriculture of Uzbekistan. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(11), 106-109.
32. Mannopova, M. S., & Khalildinov, A. A. (2022). THE IMPORTANCE OF THE EFFECTIVE USE OF FRUIT VEGETABLE CLUSTERS IN AGRICULTURE OF UZBEKISTAN. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 117-120.